

**М.С. Юсупов,
катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙўНАЛИШЛАРИ

В статье рассматриваются вопросы обеспечения сельского хозяйства техническими средствами, их важность и роль, современное состояние и направления государственной поддержки технического обеспечения аграрного производства.

In this article, special emphasis is on characteristics of supply system of agriculture with technical resources, their importance and role, the ways of improvement of state support of agricultural production in technical supply direction.

Калитли сўзлар: қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, моддий-техника таъминоти, техника воситалари, механизациялашув даражаси, лизинг, банк кредитлари, давлат дастурлари.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз амалга ошириш ва тармоқни интенсив ривожлантиришда юқори унумли замонавий машиналар, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш учун унинг техника базасини юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида техника воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилар:

- қишлоқ хўжалигида техника воситаларидан фойдаланиш мавсумий характерга эгаллиги улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради (айниқса ўрим-йиғим комбайнлари, сеялқалар ва шу каби бошқа техника-машиналарда). Чунки қиммат турадиган юқори унумли техникалар қисқа вақт давомида фойдаланилиб, йилнинг кўп қисмида бекор туриб қолади, бу эса улардан оптимал фойдаланиш ва иқтисодий самарадорликка салбий таъсир кўрсатади;

- очиқ шароитда иш олиб боришда моддий-буюмлашган кўринишдаги техника ресурслари табиий-иқлим шароитлари таъсирига кўпроқ учрайди ва уларни сақлаш бўйича кўшимча сарф-харажатлар қилинишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, республикамиз қишлоқ хўжалигида иш жараёнларининг механизациялашув даражаси пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида 85 %дан, озуқа экинлари экишда 75 %дан, уларни йиғиштиришда 50 %дан, боғдорчиликда 40 %дан ва сабзавотчиликда 35 %дан юқорини ташкил этади (1-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг механизациялаш даражаси, 2013 й.

№	Қишлоқ хўжалиги тармоқлари	Механизациялашув даражаси, %да
1	2	3
1.	Пахтачилик	85 %дан юқори
2.	Ғаллачилик	85 %дан юқори
3.	Маккажухори: - экишда;	80 %дан юқори
	- йиғиштиришда.	35 %дан юқори
4.	Шоличилик: - экишда;	45 %дан юқори
	- йиғиштиришда.	80 %дан юқори
5.	Озуқа экинларини: - экишда;	75 %дан юқори
	- йиғиштиришда.	50 %дан юқори
6.	Боғдорчилик	40 %дан юқори
7.	Сабзавотчилик	35 %дан юқори

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, ғаллачилик тармоқларида, шунингдек, озуқа экинларини экиш ва шолени йиғиштириб олиш жараёнларида механизациялашув даражаси юқори, яъни 75-85 %дан ортиқни ташкил этаётган бўлса, боғдорчилик ва сабзавотчилик тармоқларида иш жараёнларининг механизациялашув даражаси 35-40 % атрофида бўлиб, унчалик юқори эмас.

Тадқиқотларга кўра, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника таъминотида куйидаги айрим муаммолар мавжуд:

- пахта ва ғалладан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг механизациялашганлик даражаси юқори даражада эмас (масалан, боғдорчилик ва сабзавотчиликда 35-40 % атрофида);

- деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг учдан икки қисмидан кўпроғини бераётган (2014 йилда 65,1 %, шу жумладан, ўсимликчиликда 46,2 %, чорвачиликда 92,4 % [4]) бўлишига қарамай, уларда асосий ишлаб чиқариш жараёнлари қўл кучи билан бажарилади ва механизация воситалари билан қуролланиш даражаси жуда паст даражада, уларни минитракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, ёқилғи, минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоялаш воситалари, омихта ем, пахта шроти ва шелуха каби кўпчилик моддий ресурслар билан таъминлаш тизимли йўлга қўйилмаган;

- чорвачиликка ихтисослашган кўпчилик хўжаликларда чорва молларини сақлаш ва парваришлаш учун махсус бинолар, автоматлаштирилган озиклантириш линиялари, концентрат озуқа тайёрлайдиган миницеҳлар, тайёр маҳсулотлар ва моддий ресурсларни сақлаш учун махсус омборлар, техника воситаларини сақлайдиган ёпиқ саройлар, омихта ем-хашак, кунжара ва чигит шелухаси каби айланма воситалар етишмайди. Бунинг устига чорвачиликда

фойдаланиб келинаётган кўпчилик бино-иншоотларнинг қурилиши замонавий архитектура-лойиҳалаштириш талабларига жавоб бермайди.

Аммо ривожланишнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишга боғлиқ бўлиб бормоқда. Истикболда қишлоқ хўжалигида иш жараёнларининг механизациялашув даражаси ортиб бориши билан ҳайдов ва чопиқ тракторларига, чизел, плуг ва борона каби машиналар тизимига, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш комбайнларига ҳамда юк ташиш транспорти воситаларига талаб ортиб бораверади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юқори унумли машиналар ва техника воситалари билан таъминлаш борасида бир қатор давлат дастурлари қабул қилинган ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича йирик чоратадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг уларга бўлган талаби тўлиқ қондирилган деб бўлмайди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Бу масалага муҳтарам Президентимиз ўз эътиборларини қаратиб: “Чопиқ тракторларининг 55 фоиздан ортиғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46 фоизи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда, улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди” [2],- деб таъкидлаганлар.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда 2012 йил якунида қишлоқ хўжалигида мавжуд барча русумдаги тракторларнинг 22,3 %и 20 йил ва ундан ортиқ, 21,5 %и 16-20 йил, 21,6 %и 11-15 йил муддат хизмат қилган, яъни 10 йилдан ортиқ хизмат қилганлари жамига нисбатан 65,4 %ни ташкил этган. Қолган техникалар бўйича ҳам худди шунга яқин аҳволни кўриш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, жумладан тармоқнинг техника паркани кенгайтириш, уни юқори унумли ва ресурс тежовчи замонавий техника-технологиялар билан қуроллантириш масаласи ҳал қилиниши лозим бўлган энг устувор вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига асосан 2012 йилдан 2017 йилнинг 1 январигача республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган хизмат муддати 10 йилдан кам бўлган янги техникалар салмоғини тракторлар бўйича 39-44 %дан 63 %гача, трактор тиркамалари бўйича 27 %дан 84 %гача, плуглар ва культиваторлар бўйича 33 %дан 65-73 %гача, пахта чигитини экиш ускуналари бўйича 35 %дан 67 %гача, ғалла уруғини экиш ускуналари бўйича 19 %дан 63 %гача, дон ўриш комбайнлари бўйича 57 %дан 67 %гача ва пахта териш машиналари бўйича 9 %дан 98 %гача етказиш кўзда тутилган (2-жадвал).

2-жадвал

Мамлакатимизда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилашни даражасининг ҳозирги ҳолати ва прогноз кўрсаткичлари, жамига нисбатан %да

№	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар номи	Хизмат муддати 10 йилдан кам бўлган янги техникалар салмоғи, %	
		1.01.2012 й. (ҳақиқатда)	1.01.2017 й. (режа бўйича)
1	2	3	4
1.	Қуввати 100 от кучигача бўлган универсал-ҳайдов тракторлари	44	63
2.	Қуввати 150 от кучигача бўлган умумий фойдаланишдаги тракторлар	39	69
3.	Трактор тиркамалари (прицеплари)	27	84
4.	Ер текислагичлар, ш.ж. лазерли	20	74
5.	Органик ўғит сочувчилар	3	100
6.	Плуглар	33	73
7.	Тракторга тиркаладиган культиваторлар	33	65
8.	Пахта чигитини экиш ускуналари	35	67
9.	Ғалла уруғини экиш ускуналари	19	63
10.	Дон ўриш комбайнлари	57	67
11.	Пахта териш машиналари	9	98
12.	Тракторга осиладиган ўриш ускуналари	41	67

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига 1-илова асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сонли қарорида 2012-2016 йиллар даврида қишлоқ хўжалигига умумий сони 64 245 та бўлган, жумладан, қуввати 100 от кучига тенг бўлган 13 870 дона, қуввати 150 от кучига тенг бўлган 3 700 дона тракторлар, қуввати 70-80 от кучига эга бўлган боғдорчиликда ишлатиладиган махсус ғилдиракли тракторлар, 20 300 дона трактор тиркамалари (прицеплари), 300 дона экскаваторлар, 450 дона бульдозерлар, 1350 дона ер текислагичлар, 100 дона органик ўғит сочувчилар, 3650 дона плуглар, 610 дона ротацион бороналар, 6000 дона тракторга тиркаладиган культиваторлар, 1220 дона пахта териш машиналари, 1080 дона ўрим-йиғим комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини етказиб бериш кўзда тутилган (3-жадвал).

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва техник-технологик янгилаш дастурлари марказлашган давлат инвестициялари, тижорат банкларининг кредитлари, лизинг ва машинасозлик корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу инвестициялар истиқболда

қишлоқ хўжалигининг машина-трактор паркини тубдан янгилашга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга ҳамда техник қуролланиш даражасини ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига мувофиқ 2013-2016 йилларда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар рўйхати тасдиқланган.

Унга мувофиқ 2012-2016 йиллар давомида трактор ва тиркама (прицеп) ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш дастури доирасида йилига 4000 дана қуввати 100 от кучига тенг бўлган универсал-ҳайдов тракторларини модернизация қилинган моделларини саноат усулида ишлаб чиқариш, йилига 1000 дана қуввати 150 от кучига тенг бўлган умумий фойдаланишдаги ғилдиракли тракторларни саноат усулида йиғиш, йилига 600 дана қуввати 70-80 от кучига тенг бўлган боғдорчиликка мўлжалланган махсус ғилдиракли тракторларни саноат усулида йиғиш, йилига 1500 дана юк кўтариш қуввати 6-8 тоннага тенг бўлган пахта хомашёси, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташишга мўлжалланган тиркамаларни (прицеп) серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ер юмшатгичлар, культиваторлар, ўғит сочгичлар, уруғ экиш мосламалари, юк ташигичлар, чорвачилик учун махсус техникалар каби 14 йўналишда бир қатор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва уларда хорижнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб этиш масалаларининг ечими ўз аксини топган.

Ушбу тадбирларнинг амалга оширилишига жами 38,6 млн. доллар сарфланиши кўзда тутилган. Бу тадбирлар қишлоқ хўжалигининг техника таъминотини сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтариб, ёқилғи, уруғлик ва жонли меҳнат сарфини сезиларли равишда тежаш имконини беради.

3-жадвал

Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва янгилашнинг 2012-2016 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари

№	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг номлари	Жами етказиб бериладиган техника*, дона	Шу жумладан йиллар бўйича:				
			2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Қуввати 100 от кучигача бўлган универсал-ҳайдов трактори	13 870	2120	2500	2750	3000	3500
2.	Қуввати 150 от кучигача бўлган умумий фойдаланишдаги трактор**	3 700	300	500	700	1 000	1 200

3-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8
3.	Қуввати 70-80 от кучигача бўлган махсус филдиракли трактор, боғдорчиликда ишлатиладиган	900	-	-	-	300	600
4.	Трактор тиркамаси (прицеп)**	20300	2300	3000	4000	5000	6000
5.	Экскаватор	300	-	-	70	100	130
6.	Бульдозер	450	-	-	100	150	200
7.	Скреппер	120	-	-	30	40	50
8.	Ер текислагич, ш.ж. лазерли	1350	-	-	300	450	600
9.	Органик ўғит сепувчи	1000	-	-	200	300	500
10.	Ерни чуқур юмшатгич	820	-	150	170	200	300
11.	Плуг	3650	150	500	700	1 000	1 300
12.	Ротацион борона	610	100	110	120	130	150
13.	Тракторга тиркаладиган культиватор**	6000	500	800	1200	1 500	2000
14.	Техника экинлари уруғини экиш ускунаси (пахта чигитини)**	3450	500	600	750	800	800
15.	Буғдой уруғини экиш ускунаси	300	-	-	50	100	150
16.	Майда уруғли экинлар уруғини экиш ускунаси	300	-	-	50	100	150
17.	Дон ўриш комбайни	1080	140	220	230	240	250
18.	Пахта териш машинаси	1220	200	220	240	260	300
19.	Зичлаб боғлагич	875	100	150	175	200	250
20.	Тракторга осиладиган ўт ўргич	350	-	-	50	100	200
21.	Озиқа йиғувчи тиркама машина	520	-	-	150	170	200

* Ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили буюртма компанияси яқунларидан келиб чиқиб ҳақ тўлашнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади.

** Техникаларнинг юқори унумли турларини ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1758-сонли қарорига 1-илова асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 майдаги “Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2176-сонли қарори билан акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги холдинг

компанияси - “Ўзагросаноатмашхолдинг” холдинг компанияси ташкил этилди.

“Ўзагросаноатмашхолдинг” холдинг компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун турли русумдаги техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш, маҳсулот турини кенгайтириш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш;

- қишлоқ хўжалигининг машинасозлик соҳасида республика қишлоқ хўжалигида ресурс тежовчи агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишга қаратилган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

- энергия ва металл ишлатилишини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш;

- холдинг компанияси таркибига кирадиган корхона ва республиканинг бошқа корхоналари ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

- қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сервис сиёсатини амалга ошириш.

Ушбу қарорга мувофиқ “Тошкент трактор заводи” очик акциядорлик жамияти тугатилиб, тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари ишлаб чиқариш унинг базасида янги ташкил этиладиган “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” очик акциядорлик жамиятида жамлаш белгиланди.

Шунингдек, “Агрегат заводи” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари “Чирчиққишлоқмаш” очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларига босқичма-босқич кўчириш ва улар негизида осма ва тиркамали қишлоқ хўжалиги техникасининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича “Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” очик акциядорлик жамиятини ташкил этиш, “Чирчиққишлоқмаш” очик акциядорлик жамиятини эса тугатиш вазифалари ҳам кўзда тутилди. “Агрегат заводи” очик акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалиги техникаси учун компонентлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини сақлаб қолишга қарор қилинди.

“Ўзагросаноатмашхолдинг” холдинг компанияси 2019 йилнинг 1 январигача “Тошкент трактор заводи” ва “Чирчиққишлоқмаш” очик акциядорлик жамиятларини тугатиш жараёни ниҳоясига етгач, компанияга бериладиган ер участкалари ва мулк бўйича ер солиғи ва мулк солиғидан озод этилди.

Қишлоқ хўжалиги техникалари, машиналари ва уларга бутловчи узеллар ҳамда деталлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ихтисослаштириш, уларни жойлаштиришнинг оптимал нисбатларини шакллантириш ортиқча сарф-харажатлар тежалишига ва тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида хорижий мамлакатлар

билан қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг бошқарув тизимини янгилаш илғор тажрибалар, замонавий менежмент усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштиради.

Тармоқни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, техника воситалари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни мамлакатимиз ҳудудида маҳаллийлаштириш ишларига давлат сиёсати даражасида кенг эътибор берилаётгани, бу тадбирларга марказлашган давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, банк кредитлари ва корхоналар ўз маблағларининг йўналтирилаётгани истикболда соҳа ривожига муҳим ҳисса қўшади. Тармоқда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари, машиналар ва бутловчи узеллар ва деталлар сифатининг ошишига ҳамда таннархининг арзонлашувига имкон яратади.

Аммо бугунги кунда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида ечилиши лозим бўлган айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, тармоқ ривожига доимий равишда давлат томонидан катта эътибор қаратилаётган ҳамда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилаётганига қарамадан йиллар давомида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасида барқарор ўсиш тенденцияси ўрнига ўсиш суръатлари пасайишлар билан алмашиб турмоқда. Буни тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасини акс этирувчи куйидаги жадвалдан кўриш мумкин (4-жадвал).

Кузатувларга кўра, хўжаликларнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун ер ҳайдаш, экинларга ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва ташиш учун улар ихтиёрида ҳеч бўлмаганда биттадан универсал трактор (барча тиркама ва мосламалари билан) бўлиши мақсадга мувофиқ.

4-жадвал

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш динамикаси, донада

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2013 й. 2010 й.га нисб.,%да
1	2	3	4	5	6	7
1.	Тракторлар	2 807	1 981	1 792	2 807	100,0
	ўтган йилга нисбатан, %да	95,0	70,6	90,5	156,6	
2.	Ғалла ўрувчи комбайнлар	170	207	148	202	118,8
	ўтган йилга нисбатан, %да	-	121,8	71,5	136,5	
3.	Сеялкалар	611	810	1364	796	130,3
	ўтган йилга нисбатан, %да	88,9	132,6	168,4	58,4	
4.	Ўт ўргичлар	301	168	201	152	50,5
	ўтган йилга нисбатан, %да	89,1	55,8	119,6	75,6	

Манба: Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Тошкент-2014. – 117-118 б.

хўжаликларнинг табиий ишлаб чиқариш шароитлари ва ихтисослашув даражасига мос келиши керак. Фақат шундагина мавжуд техника воситаларини йил давомида оптимал банд бўлиб туришини таъминлаш ва уларнинг иш унумдорлигини ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қуйидаги йўллар билан техника воситаларини сотиб олишга бўлган эқтиёжларини қондиришлари мумкин:

1. Бевосита ишлаб чиқарувчи заводлардан тузилган икки томонлама шартномалар орқали сотиб олиш.
2. Воситачи таъминот-савдо корхоналари орқали сотиб олиш.
3. Лизинг асосида олиш.
4. Корхона ва ташкилотларнинг эскирган техника воситаларини биржа савдоларида сотиб олиш.

Кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликлари ўз техника воситаларига эга бўлишни хоҳлайдилар. Бунинг афзаллик томонлари шундаки, улар нисбатан кўп харажат қилмасдан қишлоқ хўжалиги экинларини белгиланган агротехника муддатларида ва ўзи хоҳлагандек сифатли ишлов бериш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни керакли жойга ташиш имкониятига эга бўлади.

Агар республикада фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми кичиклигини (ўртача 74,4 га, ш.ж. пахтачилик ва ғаллачиликда 99,3 га, сабзавотчилик ва ва полизчиликда 24,3 га, боғдорчилик ва узумчиликда 15,1 га, чорвачиликда 193,5 ва бошқа йўналишларда 32,9 га) ва деҳқон хўжаликларининг ер майдонлари амалдаги қонунчиликка кўра бир гектардан ошмаслигини эътиборга олсак, уларни бундан буён барқарор суръатлар билан ривожланиб боришига шарт-шароитлар яратиш мақсадида моддий-техника воситалари билан таъминлаш борасида йирик тадбирларни амалга ошириш лозимлигига амин бўламиз. Бизнингча, бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Энг аввало, республиканинг ички имкониятлари ва хорижий инвестицияларга кенг таянилган ҳолда, кичик ва ўрта қувватли универсал ҳамда махсус тракторлар ва машиналарни серияли ишлаб чиқариш долзарб масалага айланмоққа. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежовчи техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади.

2. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги техникалари нархларининг қимматлашиб бораётганлигидан кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликлари уларни сотиб олиш имкониятига эга эмас. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига 2010-2013 йилларда хўжаликлар томонидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларида ўз маблағларидан фойдаланишнинг жамига нисбатан улуши сотиб олинган техникалар сонига нисбатан 3,8 %дан 1,8 %га камайган (5-жадвал).

5-жадвал

Республика бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2010-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш динамикаси

№	Харид қилиш шакли	2010 йил		2013 йил		2013 й. 2010 й.га нисб., %да	
		сони, дона	суммаси, млрд. сўм	сони, дона	суммаси, млрд. сўм	сони	суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Лизинг ҳисобидан	5 612	129,3	4 671	168,2	84,8	130,1
	Жамига нисбатан салмоғи, %да	90,9	69,8	70,2	53,8		
2.	Банк кредитлари ҳисобидан	325	54,0	1 863	134,4	573,2	248,9
	Жамига нисбатан салмоғи, %да	5,3	29,1	28,0	43,0		
3.	Ўз маблағлари ҳисобидан	239	2,1	120	10,2	50,2	485,7
	Жамига нисбатан салмоғи, %да	3,8	1,1	1,8	3,2		
	Жами	6 176	185,4	6 654	312,8	107,7	168,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

Ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ҳам бир неча баробар ўсган бўлса-да, техника нархлари уларга нисбатан юқори суръатлар билан ўсди. Натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасида йирик номутаносиблик (диспаритет) вужудга келди. Хусусан, “1991 йилда бир дона “ТТЗ-80” маркали тракторни сотиб олиш учун 3,7 тонна пахта хомашёсини сотишдан олинган пул тушуми етган бўлса, 2008-йилда шу тракторни сотиб олиш учун эса 92,8 тонна пахта хомашёсини сотиш керак бўлган” [3]. Бугунги кунда бу диспаритет янада кучайган.

Ривожланган хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ўсиши билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган моддий-техника ресурслари нархларининг ўсиши динамикаси ўртасидаги мутаносибликни, яъни қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасида эквивалент товар айирбошлашни таъминловчи “нархлар паритети”га катта аҳамият қаратилади. Бизда ҳам бу борада қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш вақти келди.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун мўлжалланган техника воситаларининг нархларини арзонлаштириш имкониятларини қидириб топиш ва бунда, биринчи навбатда, давлат кўмагига таяниш муҳимдир. Қиммат турадиган юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари ва машиналарини ишлаб чиқарувчи заводларнинг дилерлик тармоқлари орқали кредитга сотиш (товар кредити) амалиётини жорий этиш, бунда кредитни қайтаришни техника нархидан келиб чиқиб ўрта (3-5 йил) ва узоқ (6-10 йил) муддат муддатларга

белгилаш яхши самара беради.

3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини техника воситалари билан таъминлашни молиялаштиришда тижорат банкларининг узок муддатли ва паст фоиз ставкаларидаги инвестицион кредитларининг аҳамияти катта. Хусусан, республика бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2010-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш қилишда банк кредитларидан фойдаланишнинг улуши техникалар сонида 5,3 %дан 28,0 %га, техникалар қиймати бўйича эса 29,1 %дан 43,0 %га ошган.

Гарчи қишлоқ хўжалиги техникалари харид этишда банк кредитларидан фойдаланиш даражаси ошиб бораётган бўлсада, жами талабга нисбатан бу кўрсаткичларни етарли деб бўлмайди. Тижорат банкларининг қишлоқ хўжалигига ажратаётган кредитларида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар устуворлик касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техника воситаларини сотиб олиш учун ажратаётган кредитларда имтиёзли фоиз ставкаларидаги узок муддатли (камида 6-10 йил) инвестицион кредитлар улушини кескин ошириш тармоқнинг техник курулланиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг нархлари юқори бўлган ҳозирги шароитда фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлашнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида лизингни эътироф этиш мумкин. Республика бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2013 йилда жами харид қилинган 6 654 донадан ортиқ янги қишлоқ хўжалиги техникаларининг сони бўйича 70,2 %ини, қиймати бўйича эса 53,8 %ини лизинг асосида етказиб берилган техникалар ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонунига мувофиқ: “Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури булиб, у бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчини) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади”.

Тадқиқотларга кўра, лизинг олувчи субъектлар (ш.ж. фермер хўжаликлари) учун унинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- сотиб олинаётган техниканинг умумий қийматини бир пайтнинг ўзида эмас, узок муддат давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти туғилади;

- бир вақтнинг ўзида ҳам замонавий техника ва технологиялар жалб қилиш мумкин, ҳам ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш мумкин;

- техника ва ускуналар учун лизинг тўловлари уларни ишлатиш натижасида олинadиган даромад ҳисобидан тўланади;

- техника ва ускуналарнинг тўлиқ қиймат бўйича нақд пулга сотиб олинмаслиги айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошқа эқтиёжлар учун маблағларни озод қилишга имкон беради;

- лизингга олинган техника воситалари нуқсонлари кафолатли муддат давомида лизинг берувчи томонидан бартараф этилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида лизинг хизматлари бозорини кенгайтириш, унда рақобат муҳитини яратиш ҳамда техника воситаларини

лизинг шартларида машина-трактор паркларига ва фермер хўжаликларига етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори билан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигига лизинг асосида етказиб берилаётган техника воситалари учун ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш мақсадида 2000 йилнинг 2 ноябрида Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ дастлаб 2001-2007 йиллар мобайнида, тажриба тариқасида, республикада ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва фермер хўжаликларига 7 йил муддат билан қуйидаги шартларда етказиб берилиши кўзда тутилган эди.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига киритилган ўзгартиришлар асосида фермер хўжаликлари учун лизинг муддати 10 йил, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти машина-трактор парклари учун 10 йилгача, қолган лизинг олувчилар учун 7 йил деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори ва унга киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқланган “Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби”га мувофиқ замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари фермер хўжаликларига, машина-трактор паркларига ҳамда “Ўзкимёсаноат” ДАКнинг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи “Қишлоқхўжаликкимё” худудий акциядорлик бирлашмаларига “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан қуйидаги шартларда лизингга бериш йўли билан етказиб берилади:

- қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 20 фоизи аванс сифатида лизинг олувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

- қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 80 фоизи “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси” қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари учун “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси ихтисослашган лизинг хизмати кўрсатувчи компания бўлиб қолмоқда. Фермер хўжаликлари сонининг ўсиб бориши билан уларга лизинг хизмати кўрсатиш ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга лизинг хизматлари бозори ривожланиб, бир нечта компаниялар, тижорат банклари миллий ва хорижий валютада лизинг операцияларини молиялаштириш билан шуғулланмоқда. Уларнинг лизинг объектини молиялаштириш шартлари турлича бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб қайси лизинг компанияси ёки тижорат банки орқали лизингга техника олиш масаласини ҳал этиши мумкин.

Фикримизча, ҳозирги кунда фермерларнинг техникага бўлган талабини қондиришда истиқболли вариантлардан бири фермерларнинг техникадан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш бўйича уюшиб фаолият кўрсатишидир. Агар фермернинг хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми техника воситаларига яқка ҳолда эгалик қилиш учун имкон бермаса, бир неча фермерлар ўзаро уюшиб қиммат турадиган унумли техникани сотиб олиши ва биргаликда ишлатиши мумкин. Бунинг афзаллик томонлари кўп бўлиб уни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ҳар бир фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган бир неча хил техника воситаларини сотиб олиш заруриятидан қутулади, бу билан улар техника харид қилишда тежамга эришадилар ва уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларни ўзаро тақсимлайдилар;

- қишлоқ хўжалигида баъзи бир техника воситаларидан жуда қисқа муддатларда фойдаланилиши туфайли, алоҳида бир фермер учун санокли кунларда ишлатиладиган техникаларни сотиб олиш ва сақлаш самарали эмас;

- фермер хўжалиklarини қишлоқ хўжалиги техникаларининг зарур турлари билан жиҳозлаш ишлари тезлашади;

- техникадан биргаликда фойдаланиш машиналардан оқилона фойдаланишга, кичик ва ўрта хўжаликда ҳам ишлаб чиқаришни тўлиқ механизациялаштиришга олиб келади;

- техника харажатлари тежалиши оқибатида маҳсулот таннархи арзонлашади.

Аммо бунда фермерлар орасида ўзаро ишонч бўлиши ва техникадан биргаликда фойдаланиш жараёни турли ихтилофларни келтириб чиқармаслиги керак. Буни олдини олиш учун фермерлар биргаликда таъсисчи сифатида улуш қўшиб, масъулияти чекланган жамият, кооператив (тўлиқ ёки коммандит ширкат) ёки ёпиқ акциядорлик жамияти шаклида машина-трактор парклари ташкил этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини техника воситалари билан таъминлашнинг юқорида келтирилган механизмларидан унумли фойдаланиш тармоқнинг моддий-техника баъзасини юксалтириш ҳамда иш унумдорлигини оширишга муҳим ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

3. Абдуғаниев А. Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: Адиб, 2010.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий тенденциялари (2005-2014 йиллар). Ахборот-таҳлилий шарҳ. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти. Тошкент-2015.